



ДОРИХОНА ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Худойберганава Мавжуда Ҳамроқуловна

Тошкент давлат юридик университети

Маъмурий ва молия ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

Е-маил: m.xudoyberganova@tsul.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7493929>

ARTICLE INFO

Received: 22th December 2022

Accepted: 29th December 2022

Online: 30th December 2022

KEY WORDS

Дори воситалари, дорихона, давлат томонидан тартибга солиш, давлат назорати.

ABSTRACT

Дорихона ташкилий тузилмасига кўра соғлиқни сақлаш муассасаси ҳисобланади ва унинг фаолияти эса “аҳолига фармацевтик ёрдам кўрсатиш” сифатида шакллантирилади. Фармацевтик ердам – бу беморни даволаш бўйича энг самарали, хавфсиз ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган даволаш курсини белгилайдиган шифокор маслаҳати жараёнини ўз ичига олади. Мазкур мақолада дори воситаларини ишлаб чиқариш, тарқатиш ҳамда шу ҳаракатлар билан юзага келадиган ижтимоий муносабатларни давлат томонидан назорат қилиш таҳлил қилинган.

Дорихона (апотéка, аптека¹) (юнoнча ἀποθήκη - “oмбор”) — дори воситаларини ишлаб чиқариш, қадоқлаш, таҳлил қилиш ва сотиш билан шуғулланувчи соғлиқни сақлаш тизимининг махсус ихтисослаштирилган ташкилоти².

Дорихона ташкилий тузилмасига кўра соғлиқни сақлаш муассасаси ҳисобланади ва унинг фаолияти эса “аҳолига фармацевтик ёрдам кўрсатиш” сифатида шакллантирилади. Фармацевтик ердам – бу беморни даволаш бўйича энг самарали, хавфсиз

ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаган даволаш курсини белгилайдиган шифокор маслаҳати жараёнини ўз ичига олади.

Дорихоналар давлат томонидан бошқариладиган муассаса сифатида VIII асрда Бағдодда пайдо бўлган³.

Дорихона, аптека — дори воситаларини тайёрлаш, қадоқлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда тайёр дори воситалари, тиббий буюмлар, санитария ва гигиена ашёлари, маъданли сувлар, даволаш-косметика маҳсулотларини сақлайдиган ва сотадиган тиббиёт муассасаси.

¹ Этимологический словарь русского языка Макса Фасмера

² Этимологический словарь русского языка Макса Фасмера «Апте́ка, также апoтéка (со времени Петра I); аптека часто в XVII веке; см. Смирнов 41. Из нем. Apotheke или прибалт.-нем. aptheke (ср.-нж.-н. abteke, abbeteke), которое восходит через лат. apotheca к греч. ἀποθήκη — склад; см. Клюге-Гётце 21; Зеве́р, KZ 53, 108»

³ Блинова К. Ф. и др. Ботанико-фармакогностический словарь: Справочное пособие / Под ред. К. Ф. Блиновой, Г. П. Яковлева. — М.: Высшая школа, 1990. — С. 15. — ISBN 5-06-000085-0. Архивированная копия (недоступная ссылка). Дата обращения: 9 апреля 2012. Архивировано 20 апреля 2014 года.



Дорихонада тўсатдан касал бўлиб қолган ёки бахтсиз ҳодисага учраган кишиларга тез тиббий ёрдам ҳам кўрсатилади⁴.

Ўзбекистонда илк дорихоналар XIX асрнинг иккинчи яримида госпиталь ва лазаретлар қошида пайдо бўлган. Биринчи расмий Дорихона 1874 йил май ойида Тошкент шаҳрида маҳаллий аҳоли маблағлари ҳисобига очилган.

Дорихоналар мулкчилик шаклига кўра, акциядорлик, жамоа ва хусусий дорихоналарга, ишлаб чиқариш хусусиятига кўра тайёр дори воситаларини сотадиган ҳамда дори тайёрлаб берадиган (рецептга мувофиқ), шунингдек, улгуржи савдо қиладиган ва касалхона ҳамда поликлиникалар қошидаги дорихоналарга бўлинади.

Фармацевтика фаолияти билан шуғулланаётган барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фармацевтика фаолияти кўрсатаётган чет эл ваколатхоналарининг субъектлари ушбу фаолият билан шуғулланишлари учун лицензиялари бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасида дори воситаларини ва тиббий буюмларни (офтальмология тиббий буюмларидан ташқари) чакана реализация қилиш фақат дорихоналар ҳамда уларнинг филиаллари томонидан амалга оширилади дейилган. 21-моддасида эса “Дорихона дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни,

шунингдек уларни тайёрлашни амалга ошириш учун тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахс шаклида ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмаси шаклида ташкил этилиши мумкин. Дорихоналарнинг филиаллари, даволаш-профилактика муассасаларининг дорихоналари ҳам дорихоналар жумласига киради.

Демак, қонунчилигимизда дорихоналар ташкил этилиши юзасидан қуйидаги талаблар ўрнатилган:

- юридик шахс шаклида ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмаси шаклида ташкил этилиши;
 - ўз фаолиятини фақатгина дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана реализация қилиш ва уларни тайёрлаш асосида амалга ошириши;
 - тегишли лицензияга эга бўлиши;
 - дорихона мудирининг олий тиббий ёки олий фармацевтика маълумотига (дорихона филиалининг мудирининг олий ёки ўрта махсус фармацевтик маълумотга) эга бўлиши керак бўлади⁵.
- Юқоридагиларга асосан қонунчилигимизга мувофиқ дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш фақатгина дорихоналар ва уларнинг филиаллари томонидан амалга оширилади. Уларни дорихоналардан ташқарида сотиш қонун ҳужжатларига асосан тақиқланади.

фармацевтика фаолияти — дори воситалари ва тиббий буюмлар яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини, шунингдек уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда уларни реализация

⁴ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-d/dorixona-uz/>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2017 йил 06 апрелдаги 185-сон қарори



қилишни қамраб оладиган фаолият ҳисобланади⁶.

“Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига кўра фармацевтика фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Қонуннинг 15-моддасига асосан фармацевтика фаолиятининг йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- дори воситаларини ва тиббий буюмларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари;
- дори воситаларини ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш;
- дори воситаларининг ва тиббий буюмларнинг сифатини назорат қилиш;
- дори воситаларини ва тиббий буюмларни улгуржи реализация қилиш;
- дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш;
- дори воситаларини ва тиббий буюмларни тайёрлаш;
- доривор ўсимлик хом ашёсини қадоқлаш ва улгуржи реализация қилиш.

Демак, дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш фармацевтика фаолияти йўналишларидан бири бўлиб, мазкур фаолият ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан лицензияланиши лозим бўлади.

Аммо Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2773-сон қарорига асосан 2017 йил 1 апрелдан фармацевтика фаолиятининг тури —

дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотишни лицензиялаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ-436-сон Қонунига асосан фармацевтика фаолиятининг йўналишини — дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишни лицензиялаш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатига ўтказилган.

Сўнгра Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 октябрдаги ЎРҚ-721-сонли Қонуни билан мазкур ваколат бекор қилиниб, фармацевтика фаолиятининг лицензиялаш тўлалигича Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга ошириладиган бўлди.

Хулоса. Фармацевтика фаолиятига доир олиб борилган бир қатор ислохотлар натижаси ўлароқ фармацевтика фаолиятини лицензиялаш маҳаллий давлат ҳокимиятлари ваколатидан яна соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатига ўтказилган бўлишига қарамасдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2773-сон қарори амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштирилмасдан хали ҳануз ўз кучини сақлаб келмоқда. Бу эса амалда фармацевтика фаолиятини лицензиялашда фуқаролар ўртасида тушунмовчиликлар вужудга келишига олиб келади ва амалдаги қонунчиликлар ўртасида

⁶ <https://lex.uz/docs/2856464>



қонунийликни ўрнатишда ҳам жиддий номутаносибларни келтириб чиқаради. Таклиф. Юқоридаги ўрганишлар натижаси ўлароқ фармацевтика фаолиятини лицензиялашга доир кўйидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатларни амалдаги қонунчиликга мувофиқлаштириш лозим бўлади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори,

12.05.2017 йилдаги 284-сонини ўз кучини йўқотган деб топиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2773-сон қарори амалда ўз мазмун моҳиятини йўқотганлиги муносабати билан ўз кучини йўқотган деб топиш.

References:

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 17 fevraldagi 78-son "Tashkent Pharma Park" innovatsion ilmiy-ishlab chiqarish farmatsevtika klasterining faoliyatini tashkil etish va moliyalashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 noyabridagi PF-5229-son "Farmasevtika tarmog'ini boshqarish tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Farmoni.
3. Khudoyberganova, M. (2021). THE ROLE OF PUBLIC ADMINISTRATION IN THE DEVELOPMENT OF PHARMACEUTICAL SECTOR IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND CURRENT RESEARCH CONFERENCES, 1 (1), 147-152.
4. Khudoyberganova, M. (2021). THE ROLE OF THE JOINT STOCK COMPANY" DORI-DARMON" IN PROVIDING THE POPULATION WITH MEDICINES AND MEDICAL SUPPLIES IN THE PUBLIC ADMINISTRATION, 1 (1), 187-193.
5. O'zbekiston Respublikasining 2016 yil 04 yanvardagi O'RQ-399-sonli Qonuni. [Elektron manba] // URL: <https://lex.uz/docs/2856464> (мурожаат қилинган вақт:01.03.2021). (Law of the Republic of Uzbekistan No. ZRU-399 of January 04, 2016).
6. Нормуратов, А. (2022). МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ АСОСЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ. Eurasian Journal of Academic Research, 2(12), 1325-1333.
7. Нормуратов, А. (2022). МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ ЁШИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ. Eurasian Journal of Academic Research, 2(13), 689-698.
8. Li, A. A. (2018). The issues of legal support of state innovation policy in the Republic of Uzbekistan. Review of law sciences, 3(1), 5.
9. Khumoyun, S., Asal, J., & Wang, C. (2022). LIMITATIONS CHALLENGING BETTER STATE INVOLVEMENT IN THE DSB. Involta Scientific Journal, 1(4), 70-82.
10. Ражабова, К. (2022). БЛОГЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ. Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences, 1(7), 241-245.
11. Ражабова, Карима Қаҳрамоновна (2022). САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ (ҚАРОРЛАРИ) ЮЗАСИДАН НИЗОЛАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (Special Issue 23), 556-563. doi: 10.24412/2181-1784-2022-23-556-563



12. Saidazimov, Y. (2022). ADMINISTRATIVE ACT IN THE LEGISLATION OF FOREIGN COUNTRIES. Eurasian Journal of Academic Research, 2(13), 639-643.
13. Yusuf, S. (2022). The historical experience of organizing local self-government body as a public administration organ in Germany. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(7), 430-436.
14. Saidazimov, Y. (2021, November). THE OBLIGATION TO PROVE IN ADMINISTRATIVE COURTS IS UNDER THE RESPONSIBILITY OF THE ADMINISTRATIVE BODY AND THE OFFICIAL WHO ACCEPTED IT. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 92-94).
15. Saidazimov, Y. (2020). FEATURES OF THE EXERCISE OF DISCRETIONARY POWERS BY ADMINISTRATIVE BODIES. Scientific works of students and postgraduates. In Collection of scientific works on the results of the International Remote Scientific and practical conference. Tashkent: TSUL (p. 562).
16. Абулхайров, Р. (2022). ПОРТЛАШДАН КЕЙИН ҲОДИСА ЖОЙИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ. Eurasian Journal of Academic Research, 2(13), 817-823.
17. Абулхайров, Р. (2022). ПОРТЛАШДАН КЕЙИН ҲОДИСА ЖОЙИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ КРИМИНАЛИСТИК АҲАМИЯТИ: ПОРТЛАШ, ШУНИНГДЕК ПОРТЛОВЧИ МОДДА ВА ПОРТЛОВЧИ ҚУРИЛМАЛАР ТУШУНЧАСИ, УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences, 1(7), 203-219.
18. Абулхайров, Р. (2022). ПОРТЛАШДАН КЕЙИН ҲОДИСА ЖОЙИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ УМУМИЙ ЖИҲАТЛАРИ: КЎЗДАН КЕЧИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ. Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences, 1(7), 250-257.
19. Абулхайров, Р. (2022). ПОРТЛАШДАН КЕЙИН ҲОДИСА ЖОЙИНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШДА ДАСТЛАБКИ ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ЖИҲАТЛАРИ: КЎЗДАН КЕЧИРИШДА ИШТИРОК ЭТУВЧИ ТЕЗКОР ГУРУҲНИНГ ТАРКИБИ ВА УЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ. Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences, 2(12), 188-194.